

МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Бозор, пул ва кредит» журнали барча молия ва банк муассасалари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларини, олий таълим муассасаларини ҳамкорликка таклиф этади.

«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» ЖУРНАЛИДА МАҚОЛАЛАРНИ ЧОП ЭТИШ ШАРТЛАРИ

Таҳририят материал журнал йўналишига мос келиши тўғрисида мустақил қарор чиқариши ва чоп этишни рад қилиш сабабларини тушунтирмаслик ҳуқуқига эга.

МУАЛЛИФЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

● Исми, отасининг исми ва фамилияси; асосий иш (ўқиш) жойи; илмий даражаси ва унвони; лавозими.

● Фотосурат.

● Асосий иш (ўқиш) жойининг почта манзили; телефонлари ва электрон почтаси.

МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Мақола матни ва ҳажми: .docx (.doc) ёки .rtf формати (Microsoft Word)да 5–15 саҳифа оралиғида бўлиши лозим.

Шрифт: Times New Roman (14 пт.) шрифтида; 1,5 интервал билан.

График, чизма ва жадваллар: .xlsx (.xls) формати (Microsoft Excel)да алоҳида файл қилиб жўнатилиши; ўз номига ва тартиб рақамига эга бўлиши; манбалар уларнинг остида келтирилиши лозим.

МАҚОЛАНING ТУЗИЛИШИ

Номи: ўзбек, рус ва инглиз тилларида 10 та сўздан кўп бўлмаслиги.

Аннотация: мақола ёзилган тилда ҳамда инглиз тилида.

Таянч сўзлар: мақола ёзилган тилда.

Мақола матни:

1. **Кириш:** масала (муаммо)нинг қўйилиши, долзарблиги, мақсади, мақоланинг тузилишини тушунтириши.

2. **Асосий қисм:** муаммонинг ўрганилганлик даражаси (фақат илмий мақолалар учун); муаммонинг шарҳи (таҳлилий ва шарҳ шаклидаги мақолалар учун); тадқиқотнинг натижалари ва таҳлили.

3. **Хулосалар.**

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар (5 данадан кам бўлмаслиги керак).

Намуна:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республи-

касини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. URL: <https://lex.uz/docs/3107042>.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2011 йил 25 майда рўйхатдан ўтган қарори, рўйхат рақами 2229. URL: <https://lex.uz/docs/1804732>.

Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар:

3. Бобоқулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. Монография. – Тошкент: «FAN VA TECHNOLOGIYA», 2017. – 184 б.

4. Ш. Абдуллаева, С. Абдуллаев. Кредит ташкилотлари микромолиялаш фаолиятини такомиллаштириш // «Бозор, пул ва кредит» журнали, 10-сон, 2022 й. – 4–7-бетлар.

Фойдаланилган бошқа адабиётлар ва манбалар:

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Пул-кредит сиёсатининг 2023 йил ва 2024–2025 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари». URL: https://cbu.uz/upload/medialibrary/04f/xz40kvjhrad5rrk7otjgimsys6pb5ud/Asosiy_yunalishlar_2022.pdf.

МУАЛЛИФЛАРNING МАСЪУЛИЯТИ

◆ Плагиат, яъни бировнинг интеллектуал мулк объектдан рухсатсиз фойдаланиш 2006 йил 20 июлдаги ЎРҚ-42-сонли «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишини ёддан чиқарманг. Таҳририятга тақдим этилаётган мақолалар юқоридаги қонун талаблари бузилишига олиб келмаслигига алоҳида эътибор қаратишингизни сўраймиз.

◆ Мақола матни, ундаги маълумотлар тўғрилиги учун муаллиф жавоб беради.

◆ Муаллиф мақолани таҳририятга юбориши мақоланинг Интернетда жойлаштирилишига рози эканлигини билдиради.

◆ Мақолалар фақат info@bpk.uz электрон почтаси орқали қабул қилинади.